

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 32 (32), 2020 йил 8 март, якшанба



АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА – ОИЛА, ЖАМИЯТ БАХТЛИ БЎЛАДИ



Юртимизга яна баҳор келди. Гулгунчалар яроқ эзиб, новдаларга ҳаёт қони югураётган шу кунларда одамзод ҳам баҳорга ташна, янгилини фаслига етказганига шукрона келтиради. Бутун борлиқдан тириклик нафаси уфурди, бўғотларга яна қушлар чуғури қайтади, лайлақлар ҳаволаб учади. Қизалоқлар яна сочига толбаргақ тақади, қиз-жувонлар лапар айтади. Ана шундай сурурли дамларда баҳорнинг илк байрами — 8 март қалбимизга кўклам ҳавоси, тириклик, гўзаллик, нафосат ифори билан бирга ташриф буюради. Баҳор ва аёл — эгизак тушунчалар. Иккиси ҳам ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам онахонлар!
Мунис опа-сингиллар!
Дилбар қизларим!

Аввало, сизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айми — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга ўзимнинг энг эзгу ва самимий тилакларимни билдириб, доимо оилангиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш бахтини тилайман.

Азиз юртдошлар!

Ер юзюда онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзод муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуглаб, шарафлаб келади.

Қадри опа-сингиллар!

Бугунги кунда кенг кўламли демократик ислохотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Буни ўтган йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди.

Юртимизда аёл раҳбарлар — вазирлар, ҳокимлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, банк ва компаниялар раислари, ҳуқуқ-тартибот идораларида, Қуролли Кучларимиз таркибиде масъул вазифаларда хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сони ортиб бормоқда.

Яқинда ташаббускор ва ташкилотчи аёлларимизнинг муносиб вакиллари гоё тасъулиятли вазифага — туман ва шаҳар ҳокими лавозимларига тайинландилар. Жумладан, Андижон вилоятининг Бўстон туманига — Садбархон Мамитова, Бухоро вилоятининг Олот туманига — Наргиза Неъматова, Наманган вилоятининг Тўрақўрган туманига — Зулайхо Маҳкамова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрган шаҳрига — Гавҳар Алимова, Сирдарё вилоятининг Бобўт туманига — Дилфуза Уролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига — Маҳсуда Мустафоева биринчи раҳбар этиб тасдиқландилар.

Эл-юртимизнинг катта ишончини қозongan бу опа-сингилларимиз бугунги анжуманда иштирок этмоқдалар. Уларнинг барчасини самимий табриқлаб, ишларига ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимизда ўз фаолияти, эзгу ишлари билан кўпчилига ибрат ва намуна бўлаётган хотин-қизларимиз кўпайиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади. Шулар қаторида Фарғона вилояти, Риштон шаҳрида яшайдиган тadbиркор аёл Изаб Усмонова ҳам жиёратига атаб йиллар давомида йиғиб келган маблағини моддий шароити оғир маҳалладошларига бегараз ёрдам сифатида ҳада қилгани матбуотда кенг ёритилди.

Сирдарё вилояти, Сайхунбод тумани, “Ўзбекистон” маҳалласида Гавҳар Хусанова деган фаол синглимиз бор. Айни вақтда у туман кенгашининг депутаты этиб сайланган. Гавҳарнинг қайнонаси Гулбаҳор ая ўқитувчилик фаолияти давомида минглаб китоблар тўплаган экан. Гавҳар Хусанова уларнинг ёнига яна кўп адабиётларни қўшиб, қишлоқ ахли учун ўз ҳисобидан “Мумтоз” деб номланган катта кутубхона барпо этгани таҳсинга лойиқ.

Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали истеъдодли ёш оlima Азиза Шоназарованинг Америка Қўшма Штатларидаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинлангани ҳақида хушхабар тарқалди.

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида вояга етиб, Тошкент шарқшунослик институтида, кейинчалик Польша ва АҚШдаги машҳур университетларда таълим олган Азизахон 32 ёшида тарих ва диншунослик йўналишида фан доктори бўлгани, 500 та талабгор орасида конкурсда голиб чиқиб, ана шундай юксак илмий даражага эришгани олқишга сазовордир.

Бу синглимизнинг айни вақтда яхши оила бекаси ва она экани, араб, форс, турк, рус, инглиз, француз, немис, поляк тилларида эркин мулоқот қилиши, эришаётган юксак натижалари мамлакатимиз ёшлари учун чинакам ибрат намунаси бўлади, деб ишонаман.

Азизахон ўз хурсандчилигини юртдошлари билан баҳам қилиш учун олис йўл босиб, АҚШдан Ўзбекистонга етиб келди. Келинлар, ёш олимани самимий табриқлаб, унга янада улкан ютуқлар тилайлик.

Айни вақтда бугунги тантанали маросимда мамлакатимизда фаолият кўрсатётган Хитой Халқ Республикасининг Фақуллода ва Мухтор элчиси Цзян Янь, Миср Араб Республикасининг Фақуллода ва Мухтор элчиси Агани ал-Итти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер ва Тараққиёт дастурининг доимий вакили Матильда Димовска, Жаҳон солиқни сақлаш ташкилоти ваколатхонасининг раҳбари Лиан Куппенс, Халқаро Қизил хоч кўмитасининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Сангита Кенг, Осие тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси раҳбари Синтия Мальвичини хонимларни кўриб турганимиздан бениҳоя мамнунамиз.

Мамлакатимиз билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлаб, эзгу тилакларимизни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли анжуман қатнашчилари! Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида ўтган йили салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, аёлларимиз учун жами 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ опа-сингилларимизга 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Давоми 2-бетда

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
7 март куни Тошкент шаҳрида амалга
оширилган режалаштирилган инвестиция
лоийҳалари муҳокамасига бағишланган
ийгилиш ўтказди.

Пойтахтимизда 2020-2022 йилларда умумий қиймати 9 миллиард 884 миллион долларлик 762 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Уларнинг 122 таси давлат дастури, 640 таси ҳудудий инвестиция дастурлари доирасидадир.

Хусусан, саноат соҳасида 1 миллиард 590 миллион долларлик 242 та лойиҳа, хизмат кўрсатиш йўналишида 4 миллиард 966 миллион долларлик 337 лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Замонавий турар жой қурилиши бўйича 3 миллиард 328 миллион долларлик 183 та объект бунёд этилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда ҳар бир тумандаги истиқболли лойиҳалар тақдирини ўтказилди.

“Сергели” индустриал парки кичик саноат зонасида амалга ошириладиган умумий қиймати 350 миллион долларлик, Яшнобод туманидаги Технопаркда умумий қиймати 418 миллион долларлик лойиҳалар уларнинг энг муҳимларидан.

Яккасарой кичик саноат зонаси ҳудудида ташкил қилинадиган Тошкент ишбилармонлик маркази, “Юнусобод сити”даги замонавий турар жой, кўнгилочар ва ишбилармонлик марказлари ҳам шаҳар ривожига хизмат қилади.

— Инвестиция ва экспортдан мақсад иш жойи, қўшимча даромад. Тошкентда бу борада жуда катта ресурслар бор. Ҳозирча уларнинг ярмидан ҳам фойдаланилмаяпти. Шунинг учун ҳар бир туман кесимида кичик ва

ўрта корхоналарни ўрганиб, ишлаб чиқариш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, халқимизга қафолатланган даромад манбаи яратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

2020 йилда жами 4,8 миллиард доллар инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида 400 дан ортиқ лойиҳа фойдаланишга топширилиши маълум қилинди. Булар доирасида 32050 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, жорий йилда 710,5 миллион доллар миқдорда экспорт қилиниши мўлжалланган. Унинг қарийб 674 миллион доллари саноат маҳсулотлари, 36,5 миллион доллари мева-сабзавот маҳсулотларига тўғри келади.

— Олтириқ тумани 120 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилияпти. Тошкентдаги амалга оширилган умумий қиймати 350 миллион долларлик, Яшнобод туманидаги Технопаркда умумий қиймати 418 миллион долларлик лойиҳалар уларнинг энг муҳимларидан.

Инвестициялар жалб этиб, зарурат бўлса, ташқи бошқарува бериб, саноатнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ФИДОЙИ АЁЛЛАР МУНОСИБ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 6 мартдаги “8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, давлат ва жамият ҳаётида фаол меҳнат қилаётган, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, ордени ва медаллар билан тақдирланди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида давлатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларга Президентимиз номидан ана шу мукофотлар тантанали топирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сийёсий фаолигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакат иқтимоий-сийёсий ҳаётидаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, олиб борилаётган

кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари муносиб эътироф этилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан аёллар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан мамнун эканини таъкидладилар.

Президентимиз фармони билан давлатимизнинг юксак мукофоти муносиб қўрилди, — деди II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактаби директори Роҳат Ҳайтова. — Бу мен учун чексиз қувонч ва шараф. Мендек оддий аёлга, ўқитувчи камтарона хизматларини қадрлаб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга катта бахт. Ушбу мукофот мени соҳада янада астойдил меҳнат қилишга, фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди.

Эндиликда юртимизда ҳар 13 минг аҳолига битта махсус тез ёрдам машинаси хизмат кўрсатади. Ривожланган давлатларда 20-25 минг кишига битта махсус автотранспорт воситаси тўғри келишини ҳисобга олиб айтганда, бу жиҳатдан мамлакатимиз тиббиёти халқаро андозалар даражасига кўтарилди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени соҳиби



“Бундай эътирофни кутмаган эдим...”

Куни кеча ҳамкасбларимдан Президентимиз фармони билан “Фидокорона меҳнатлари учун” ордени билан тақдирланганимни эшитиб, бошим кўкка етди. Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиб, самимий, очиқ, дўстона суҳбатга гув бўлганимдан янада ҳайратландим. Тўғриси, бунақанги тадбирни аввал ҳеч кўрмаганман. Тадбирда иштирок этар эканман, ҳаммамнинг нигоҳига разм солдим. Айниқса, Президентимизнинг очикўнгиллик билан аёлларни мадҳ этиши, уларни

қўллаб-қувватлаш борасида қилинган ишлар ҳақида айтган барча гаплари шу қадар самимий бўлдики, ҳам қувониб, ҳам ғурурланиб, ҳам кўзимга ёш олиб ўтирдим.

Бир пайтлар аёллар раҳбар бўлганини онда-сонда эшитиб қолардим. Бугун эса энг қувонганим Давлатимиз раҳбарининг аёлларга бўлган юксак ишончи бўлди. Бирин-кетин раҳбарлик лавозимига тайинланган аёллар кутланар экан, уларнинг барчаси ўзларига ишониб топширилаётган бу лавозимларга ҳақиқатан муносиб экани, бу танлов

адолатли ва тўғри бўлганидан қувондим.

Шу ўринда яна бир нарсани очиқ айтишим кераки, санъаткор бўлганим учунми, Президентимизнинг кино соҳасини ривожлантириш, камалиб бораётган кинотеатрларимиз фаолиятини қайта йўлга қўйиш борасида олиб бораётган ишларидан мен каби барча санъаткорлар чексиз миннатдор.

Гулмира ИСЛОМОВА

“Хунарманд” уюшмаси Нурота бўлими аъзоси, каштачи-уста, “Шухрат” медали соҳиби



ҚАЛЪЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН ГЎЗАЛЛИК

Юртимиз аёллари азиздан меҳрибон она, суюқли ёр, жонқур қиз бўлиш билан бир қаторда ўзларининг нозик диди, ҳар ишга кунт билан ёндашуви, табиятан саранжом-сарияштиги билан ҳамиша эъзозга сазовор. Юртимиз ва чет элларда ўтказилган мунтазам қатнашиб, қўллаб диллом, сертификат ва қимматбах совғалар билан тақдирланганман. Бироқ бу йилги байрам мен учун ўзгача қувонч келтирди. Камтарона меҳнатларим Президентимиз томонидан юксак баҳолаиб, “Шухрат” медали билан тақдирландим.

Мамлакатимизда яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, аёлларимиз оилада, фарзандлар тарбиясида, жамоат

ишларида, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида, хуллас, барча жабҳада етакчилар сафида бормоқда.

Аслида сўзана тикиш, каштачилик менга момомерос хунар. Нурота каштачилик анъанасини давом эттираётган бешиқчи авлод вақилиман. Моюларимиз кашталаридаги анор, бодом шакли нақшлар серфарзандлик, бахт, меҳр-муҳаббат, тотувилик маъноларини англатади. Айниқса, улар тикан кашталар нафис ва ёрқин ранглار устуворлиги, нақшларнинг хилма-хиллиги менга илҳом беради.

2017 йилда “Хунарманд” уюшмасининг Нурота бўлими аъзоси сифатида “Нур сўзана” миллий каштачилик корхонасини ташкил қилган эдим. Айни пайтда ўттиздан зиёд турдаги махсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Бундан ташқари, хунар ўрганиш

истағидида ёшлар учун тўғрак ташкил этилган. Бу ерда 200 дан ортиқ қизлар каштачилик ва тикувчилик сирларини ўрганапти.

Мен ўз меҳнат махсудларимда ўсимликсимон ва гуллар тасвири туширилган нақш композицияларини кенг қўлламан. Ҳозир шоғирларим билан сўзана палакларни, ёстиқ жилдлари, дастурхон, чопон, аёллар либослари, аёллар кўл сумкаси каби махсулотларни замонавий услубларда тайёрлашни йўлга қўйганман. Корхонада аёллар костюми, дастурхон, ёстиқ, кўйлак, сўзана, асосан, буюртма асосида тикилади. Махсулотларимиз нанкин юртимиз, балки хорижда ҳам харидордир.

ТИББИЁТ

ЯНГИЛАНАЁТГАН “ТЕЗ ЁРДАМ” ХИЗМАТИ

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ислохотларининг устувор йўналиши этиб белгилангани инсон манфаатини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Президентимизнинг шу йил 2 март куни қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳам соғлиқни сақлаш тизимига оид муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, тизимдаги ислохотларни янада ривожлантириш, мажбурий тиббий сугурта тизимини жорий этиш орқали халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамдан баҳрамандлик даражасини ошириш, 2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолининг дори воситалари ҳамда тиббиёт бўжмалари билан таъминланишини ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпайтириш кўзда тутилди.

Бу имкониятлар ҳар бир инсоннинг ҳаётига беvosита боғлиқ бўлган муҳим соҳа — соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришларга замин ҳозирлайди. Хусусан, тиббиётнинг муҳим бўлини булган, аҳоли кўп мурожаат қиладиган тез ва шошлиқ тиббий ёрдам хизмати фаолият янада таъминлашади.

Айтиш кераки, кейинги уч йилда соҳани ривожлантириш бўйича Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, маъмур тизимнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Энг аввало, тез тиббий ёрдам хизмати-нинг махсус санитар автотранспорт паркни янгиланди. 2017-2018 йиллар мобайнида тез тиббий ёрдам хизмати учун ихтисослашган 1500 та янги санитар автомашина харид қилинди. Натижада бугунги кунда тизимда икки ярим мингга яқин замонавий тез ёрдам машинаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Тез тиббий ёрдам хизматида ажратилаётган маблағ фармон неча баробар осди, жумладан, битта чақириқча тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида

ишлатиладиган дори воситалари учун сарфланган маблағнинг дори воситалари бўйича нархи қарийб ўн баробар ўсиб, 5800 сўмга етди.

— Бундан ташқари, тез ёрдам бригадалари дислокацияси қайта кўриб чиқилиб, аҳоли яшаш пунктларига яқинлаштирилди, — дейди Республика шошлиқ тиббий ёрдам илмий маркази директори ўринбосари Ҳикмат Анваров. — Бугунги кунда 844 та қишлоқ оилавий поликлиникасида тез тиббий ёрдам таянч пунктлари ташкил этилди.

Бунинг натижасида тез ёрдам бригадаларининг хизмат кўрсатиш радиуси 15-20 километрдан 8-12 километргача қисқарди. Эндиликда юртимизда ҳар 13 минг аҳолига битта махсус тез ёрдам машинаси хизмат кўрсатади. Ривожланган давлатларда 20-25 минг кишига битта махсус автотранспорт воситаси тўғри келишини ҳисобга олиб айтганда, бу жиҳатдан мамлакатимиз тиббиёти халқаро андозалар даражасига кўтарилди.

Айни пайтда тез тиббий ёрдам хизмати янада юксак босқичга кўтариш мақсадида соҳани замонавийлаштириш ишлари давом этмоқда. Яқинда Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станциясига “Форд” русумидаги 150 та реанимобил топширилди. Келгуси йилда мамлакатимиздаги тез тиббий ёрдам станцияларида “Damas” автомобилларидан тўлиқ воз кечилиб, замонавий реанимобиллар билан таъминланиши режалаштирилди.

“ОЛ, ЁРДАМ БЕР, ЕТКАЗ!”

Парамедик бугун жаҳон тиббиётида кенг жорий этилаётган замонавий ихтисослик бўлиб, бу соҳа мутахассиси фақуллода ҳолатлар, бахтсиз ҳодисалар, оғир касалликлар хужури туфайли саломатлиги хавф остида қолган беморга зудлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, уни ихтисослашган тиббиёт муассасасига етказишни таъминлайди.

Мамлакатимиз тез ёрдам хизматида бу тоифадаги мутахассислар сонини кўпайтириш учун бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жанубий Кореянинг КОФИН жамғармаси билан ҳамкорликда “Тез тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш” лойиҳаси асосида тез ёрдам тизимида ишлаётган ўрта тиббиёт ходимлари парамедик ихтисослиги бўйича қайта тайёргарикдан ўтмоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида маҳаллий ва чет эллик мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилапти.

Бундан ташқари, Республика шошлиқ тиббий ёрдам илмий маркази, унинг минтақавий филиалларида соҳада фаолият юритаётган ўрта тиббиёт ходимлари парамедик мутахассислиги бўйича қайта тайёргарликдан ўтмоқда. Бугунги кунгача

минг нафардан ортиқ шундай мутахассис тайёрланди.

Бўстонлик тумани тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери Гулҳаё Ҳикматова ҳам Республика шошлиқ тиббий ёрдам илмий марказида парамедик йўналиши бўйича малака оширганлардан.

— Ўқув жараёнида жаҳон тиббиётидаги илғор тажрибалар билан танишдик, — дейди у. — Хусусан, Туркия, Германия каби тиббиёти ривожланган мамлакатларда бу йўналишдаги ишлаш ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Айни пайтда бу билим ва кўникмаларни иш фаолиятимда қўллаш билан бирга, ҳамкасбларимга ҳам ўргатаман. Бугун тез ёрдам хизматида бутун дунёда қўлланилаётган “Ол, ёрдам бер, етказ!” тамойили бизнинг ишимизда ҳам устувор ўрин тутди.



ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМНИ МАХСУС МОБИЛЬ ИЛОВА ОРҚАЛИ ЧАҚИРИШ МУМКИН

Бугунги кунда барча тез ёрдам станцияларида Call марказлар тизим жорий этилмоқда. Ушбу тизимда, асосан, фельдшер ва ҳамширалар фаолият юритаётгани тўғрисида тез тиббий ёрдам ходимларининг ўзига хос ўрни намоён этади. Жумладан, Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам станциясининг Call марказида 180 нафарга яқин ўрта тиббиёт ходими ишламоқда.

Энг замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган тез ёрдам машиналари алоқа воситалари билан таъминланган. Бу эса чақириқлар ҳақидаги маълумотларни тез қабул қилиш баробарида марказдаги диспетчерлик пунктида туриб машинанинг жойлашув нуктасини кузатишга замин яратди.

Ушбу янги тизим чақириқларни нафақат стационар ва мобиль телефон воситаси, балки махсус мобиль илова орқали ҳам чақириш имконини беради. Ҳатто зифи ашитадиган ва гапириш қобилияти бўлмаган шахслар ҳам шу илова орқали муваққил равишда чақириқ бериш имконига эга бўлади. Эндиликда диспетчер сониялар ичида чақириқни компьютерда тўлиқ қайд қилади ва автоматик равишда чақириқ жойига энг яқин бўлган бўш бригадаларга узади. Тизимга интеграция қилинган GPS-геокалокация функцияси ҳар бир бригаданинг қаерда жойлашгани ва статусини кўрсатиб туради.



ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК – ЖАНГОВАР САЛОҲИЯТ ЎЗАГИ


Тоҳир БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлар Академияси катта ўқитувчиси

Қўшинларнинг ҳар қандай вазиятда қўйилган вазифаларни бажара олиши, биринчи навбатда, шахсий таркибнинг тайёргарлиги билан боғлиқ. Жанговар тайёргарликнинг юқори даражасини эса фақат малакали мутахассис таъминлай олади. Шу боис, ҳарбий хизмат мутахассиси дейилганда, қўйилган жанговар вазифаларни ишончли ва самарали бажарилишини таъминловчи маҳоратли инсон тушунилади.

Касбий-ақлий салоҳият, уюшқоқлик, мустақиллик, масъулият, хулқ-атворнинг мослашувчанлиги, танқидий фикрлаш, мақсад сари интилиш... Бундай фазилатлар ҳарбий хизматчиларда таълим ва тарбия жараёнида шаклланади. Ҳарбий хизматнинг ижтимоий заруратини англаб етган, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр, унинг тақдирини ўзининг дахлдорлик ҳиссини туйган, миллий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган ва улар билан фахрланадиган, миллат орини ўзининг ори деб билган инсонгина ҳарбий билимларни пухта ўзлаштири олиши мумкин.

Шундай экан, олий ҳарбий таълим муассасаларида тахсил олаётган курсантларга ҳарбий билимларни бериш билан бирга, уларда юқорида санаб ўтилган сифатларни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг "Офицерларимиз жанговар тайёргарлик даражаси юқори бўлиши ва ностандарт вазиятларда тезкор қарор қабул қила олиши шарт", деган сўзлари янада муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Қуролли Кучлар Академиясининг илмий салоҳияти сезиларли даражада ошди, курсантларга малакали



Ҳарбий хизматчиларни буюқ аждодларимиз жасоратидан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлиш руҳида тарбиялаш маънавий етукликнинг асосий ўзаги ҳисобланади.

педагог кадрлар томонидан юқори савияда билим бериляпти. Таълим-тарбия жараёнида, айниқса, курсантлар билан олиб борилаётган тарбиявий ва мафқуравий ишлар давомида халқимизнинг бой маънавий ва маданий мероси, буюқ саркардаларимизнинг ҳарбий маҳоратини пухта ўрганиш ва улар билан фахрланиш туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, буюқ аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида "Амир Темур ворислари", "Навойи ворислари", "Бобур ворислари" номли

тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан бадий, ғазал-хонлик кечаларини ўтказиш, аждодларимизнинг жанговар ҳаёти билан боғлиқ сахна кўринишларини намойиш этиш аънамага айланган. "Темур тузуклари", "Жалолддин Манғуберди", "Бобурнома" ва бошқа тарихий, бадий асарларнинг аудио ёзувлари курсантларнинг китобга бўлган меҳрини янада оширмоқда. Шунингдек, хорижий армияларнинг турли соҳалардаги тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш масалалари бўйича давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ўтказишга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюқ Ғалабанинг 75 йил-

майдонларида кўрсатган қаҳрамонликлари, халқимизнинг фронт ичкарисидоғи фидойилиги, бағрикенглиги, матонатига бағишланган тарбиявий ва мафқуравий ишлар режали равишда йўлга қўйилган. "Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги Буюқ Ғалабага қўшган ҳиссаси" мавзусида илмий-назарий конференциялар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари, адабий-бадий кечалар ўтказиш унинг узвий қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, Академия ҳарбий хизматчилари учун пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган фахрийларимизнинг ҳолдан хабар олиш, уларга кўмак бериш аънамага айланиб қолди.



лиги кенг нишонланади. Президентимиз томонидан мазкур санани муносиб нишонлаш бўйича 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган қарорда эътироф этилгандек, ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва она юртва муҳаббат, миллий қадриятлар ва аънаваларимизга ҳурмат, шонли тарихимизни чуқур билиш руҳида тарбиявий ва мафқуравий ишларни фаол давом эттириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қуролли Кучлар Академиясида қарорда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳарбий хизматчиларни ўзбек жанчиларининг уруш

Шахсий таркиб Академия музейида Буюқ Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган махсус бўлимининг зарур экспонатлар билан тўлдиришда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Миллий армияимизнинг жанговар салоҳияти кўплаб омиллар билан белгиланади. Инсон омилли эса барча даврларда унинг энг асосий сий бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бугунги кунда ҳам ҳарбий хизматчиларни буюқ аждодларимиз жасоратидан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлиш руҳида тарбиялаш маънавий етукликнинг асосий ўзаги ҳисобланади.

КОРОНАВИРУС хавфи, ДОПИНГ нозорати

Тўлқин РЎЗИЕВ,
журналист

Хабарингиз бор, жорий йилнинг август ойида Токио шаҳри тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилади. Аммо Хитойда тарқалган коронавирус бошқа соҳалар қатори Олимпиада ўйинлари ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. Халқаро спорт жамоатчилиги ўртасида турли хил қарашларни келтириб чиқармоқда.



ЁКИ БАХ НЕГА ХОТИРЖАМ?

бўйича Хитойда ўтказилиши белгиланган олимпиада саралаш турнирлари бошқа давлатларга кўчирилгани инобатга олинса, коронавирус спортчиларнинг Олимпиадада қатнашиши имкониятига ҳам соя солаётгани янада ойдинлашади.

Тўғриси айтганда, Хитойда тарқалган коронавирус бугун Европа ва Осиёнинг қатор давлатларида ҳам қайд этилаётгани натижасида, кўплаб хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Олимпиада ўйинларининг ўтказилиши ҳам гумон остида турибди. Аммо кунга кеча Халқаро олимпиада кўмитаси президенти Томас Бах расмий баёнот билан чиқди. У XXXII ёзги Олимпиадада XVI Паралимпия ўйинлари ўз вақтида ўтишини маълум қилди.

Шу билан бирга, ХОҚ раҳбари коронавирусдан "азият" чеккан айрим спорт турлари учун Олимпиада кваталарининг оширилиши эҳтимолдан йироқ эмаслигини ҳам таъкидлади. Бу билан у Халқаро

дзюдо федерацияси(IJF) раҳбарини қайсибир маънода "кўллаб-қувватлади".

Дунё аҳолисини ваҳима гирдобига тортаётган коронавирус Олимпиада эшиклари олдида "қуриниш бериши"дан бир муддат аввал ХОҚ ва ВАДА(Халқаро антидопинг ташкилоти) қатор спорт турларидаги допинг нозорат оқибатида спортчилар спорт турлари ва ҳатто давлатларини тўрт йилликнинг нуфузли спорт мусобақаларида четлатилиши хусусида шов-шувли чиқишлар қилганди.

Уша баёнотлар натижасида Халқаро оғир атлетика федерацияси "коронавирус муаммосини унутган ҳолда" Олимпиада ўйинлари учун рейтинг баллири бериладиган турнирларда антидопинг қондаларига амал қилинмагани, кўплаб спортчилар допингчилар сафидан жой олгани туфайли Миср ва Таиланд давлатларининг оғир



Халқаро олимпиада кўмитаси президенти Томас Бах расмий баёнот билан чиқди. У XXXII ёзги Олимпиадада XVI Паралимпия ўйинлари ўз вақтида ўтишини маълум қилди.

атлетикачилари "Токио — 2020" ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилганини маълум қилди.

Худди шундай "совуқ шамол" Колумбия терма жамоаси атрофида ҳам эса бошланган. Утган йили Олимпиада ўйинларининг Панамерика қитъаси бўйича ўтказилган саралаш мусобақаларидан кейин

ВАДА томонидан олиб борилган текширишлар натижасида колумбиялик тўрт нафар спортчида тақиқланган моддалар аниқланиб, улар икки йилга халқаро мусобақалардан четлатирилганди. Бу эса бутун бошли Колумбия оғир атлетика терма жамоасини Токио олимпиадасидан мосуво этиш масаласини кун тартибига олиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Шундай "бош оғрик" руминияликларни ҳам хавотирга солмоқда. Улар ўтган 2019 йилда 3 та допингчи спортчи билан йилни якунлаганини эътиборга олсак, ВАДА "нишонда" эканлиги табиий.

Оғир атлетика бўйича Олимпиада ўйинларининг "қора рўйхати"да Россия, Қозғистон, Арманистон, Беларусия ва Озарбайжон давлатлари ҳам қайд этилган бўлиб, улар 2008 йилдан шу кунга қадар допинг нозорати бўйича 20 га яқин катта-кичик хатоларга йўл қўйганликларига сабабли "Токио-2020"да 2 нафар спортчи билан қатнашиши мумкинлиги кўрсатилган.

ВАДА ва Халқаро оғир атлетика федерацияси допинг масаласини "мухокама этаётган" шу кунларда Италия ҳукумати ҳам ХОҚ президенти Томас Бахнинг коронавирус бораисидаги таъшишлари ўринли эканини таъкидлаб, жорий йилнинг 3 апрелидан мамлакатда барча спорт мусобақалари, оммавий тадбирлар "ёпиқ эшиклар" ордида ўтказилиши хусусида қарор чиқарди.

Италия расмийларининг билдиришича, шу кунгача коронавирусга чалинган фуқаролар сони 3 минг нафарга етган. Шундан 100 нафарга яқини "COVID-19" коронавирус инфекциясидан вафот этган.

Хуллас, коронавирус нафақат спортчиларнинг соғлиғига, балки кўплаб давлатларнинг спортдан олаётган даромадларига ҳам таҳдид қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**
"Янги Ўзбекистон" газетаси учун маъсул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган кўлемли маълумотлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ маъсул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Навр индекси — 236. Бюроорта — 912.
42952 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ўлбек кўчаси, 8-уй.
ЎЗА якуни — 21:45 Топширилди — 00:00 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Алишер Азимов**
Навбатчи: **Муножат Мўминова**
Мусаҳҳих: **Насиба Абдуллаева**
Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15